«MA'QULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK
«12» 06 2022 y. № 12

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
КЮПЕН ПЛЮС
QUPEN PLUS

Препаратнинг савдо номи: Кюпен Плюс
Таъсир этувчи моддалар (МНН): парацетамол, кофеин
Дори шакли: таблеткалар
Таркиби:
Ҳар бир таблетка қуйидагиларни сақлайди:
фаол моддалар: парацетамол – 500 мг; кофеин 65 мг;
ёрдамчи моддалар: крахмал, желатин, тозаланган тальк, магний стеарати, натрий крахмал гликоляти.
Таърифи: думалоқ шаклли, икки ёқлама қаварик таблеткалар.
Фармакотерапевтик гуруҳи: анальгетик-антипиретик
АТХ коди: N02BE71

Фармакологик хусусиятлари
Кюпен плюс парацетамол ва кофеин сақловчи мажмуавий дори препаратидир. Препарат оғриқни қолдирувчи ва иситмани туширувчи таъсир кўрсатади.
Парацетамол ностероид яллиғланишга қарши препаратлар гурухи дори воситаси, циклооксигеназа ферментини бостириши ҳисобига марказий нерв тизимида простагландинлар даражасини пасайишига ёрдам беради. Кофеин парацетамолнинг фармакологик самараларини кучайишига ёрдам беради. Ичга қабул қилингандан кейин парацетамол меъда-ичак йўлларидан яхши сўрилади, плазмадаги чўққи концентрацияси қабул қилингандан кейин 0,5-2 соат ўтгач кузатилади. Жигарда метоболизмга учрайди. Ярим чиқарилиш даври 1 дан 4 соатгача, асосан сийдик билан метоболитлари кўринишида чиқарилади.

Қўлланилиши
Мигрень билан боғлиқ ўртача ва енгил оғриқни вақтинча енгиллаштириш учун, бош оғриғи, орқадаги оғриқни, даврий оғриқларни, тиш оғриғини, ревматик ва мушак оғриқларини, жиддий сиптомларсиз артрит, шамоллаш ва гриппдаги, оғриқларни томоқ оғриғи ва юқори ҳароратда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари
Ичга. Перорал юбориш ва фақат қисқа муддат қўллаш учун. Паст самарали доза симптомларини енгиллаштириш учун энг қисқа вақт давомида қўлланилиши керак. Агарда симптомлари сақланса ёки ёмонлашса, ёки агарда препаратни қабул қилиш 3 кундан кўпроқни талаб қилса пациент шифокор билан маслахатлашиши керак;
Катталар: 1 таблеткадан суткада 3 мартадан кўп эмас, сув билан қабул қилиш керак. Такрорий дозаларни қабул қилишлар орасида, ҳеч бўлмаганда 6 соатлик интервалга риоя қилиш керак.
Агарда 1 таблетка терапевтик самара кўрсатмаса, максимум 2 таблеткадан суткада 3 мартадан кўп бўлмаган холда таблетка қабул қилиш керак.
Қайта дозалар қабули ўртасидаги оралиқ камида 6 соатни ташкил қилиши керак.
Суткада 8 таблеткадан кўп (4000 мг парацетамол) қабул қилиш мумкин эмас.
Кекса пациентлар: дозалашни махсус тўғрилаш талаб қилинмайди.

Кекса пациентларда ножўя реакцияларни жиддий кейинги таъсирларининг хавфи юқори. Агарда НЯҚВ қўллаш зарурати бўлса, энг паст самарали доза энг қисқа муддат давомида қўлланиши керак. НЯҚВ даволашда меъда-ичак қон кетишларни олдини олиш учун пациентни мунтазам мониторинги ўтказилиши керак.

Ножўя таъсирлари

Препарат одатда пациентлар томонидан яхши ўзлаштирилади, айрим холларда ушбу ножўя самараларни ривожланиши кузатилади.

Меъда-ичак йўллари томонидан: кўнгил айниши, қусиш, эпигастрал сохада оғриқ. Бундан ташқари жигар ферментларини ўзгариши ва гепатотоксиклик.

Қон яратиш тизими томонидан: тромбоцитопения, панцитопения, анемия, шу жумладан гемолитик, сульфатли гемоглобинемия ва метгемоглобинемия.

Марказий нерв тизими томомнидан: уйқу ва тетиклик тартибини бузилиши, таъсирчанлик ва бош айланиши.

Юрак-томир тизими томонидан: гипертония, тахиаритмии.

Аллергик реакциялар: тери тошмаси, қичишиш, эшакеми, кўпшаклли экссудатив эритема, Квинке шиши, Лайелл синдроми, анафилактик шок.

Бошқалар: бронхоспазм, гипогликемия, гипогликемик кома.

Қўллаш мумкин бўлмаган холатлар

Бу махсулотни қўллаш мумкин эмас:

- НЯҚВ, кофеин, парацетамол ёки препаратнинг ҳар қандай бошқа компонентларига маълум юқори сезувчанлиги бўлган пациентлар.
- Оғир буйрак ва/ёки жигар етишмовчилигида, туғма гипербилирубинемия, глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа танқислигида.
- Алкоголизм, қон яратиш тизимининг касалликлари (оғир анемия, лейкопения), тромбофлебит, тромбоз, атеросклероз ва гипертонияси бўлган пациентларга препарат буюрилмайди.
- Препарат уйқусизлик, глаукома, шу жумладан ёпиқ бурчакли глаукома, тутканок, гипертиреоз, юрак ўтказувчанлигини бузилиши, декомпенсацияланган юрак етишмовчилиги, юрак ишемик касаллиги, простата безининг гипертрофияси, қандли диабет ва ўткир панкреатити бўлган пациентларни даволаш учун қўлланмайди.
- Препаратни кекса пациентларга ва томирлар спазмига мойиллиги бўлган пациентларга буюриш мумкин эмас.
- Препаратни ҳомиладорлик ва лактация даврида, шунингдек 12 ёшгача бўлган болалар қўллаш мумкин эмас.
- Препаратни жигар ва/ёки буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препаратни моноаминооксида ингибиторлари, трициклик антидепрессантлар ва бета-адренорецепторларнинг блокаторлари билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас. Моноаминооксидаза ингибиторлари гуруҳи препаратлари ва Кюпен Плюс препаратларини қабул қилишлар орасида даволашдаги танаффус 14 кундан кам бўлмаслиги керак. Парацетамолнинг сўрилиш тезлиги у метоклопрамид ва домперидолнбилан бир вақтда қўлланганда ошади, холестирамин билан бир вақтда қўлланганда эса пасаяди. Препарат варфарин ва бошқа кумарин антикоагулянтлари билан бирга қўлланганда қон кетишининг ривожланишини хавфи ошади. Барбитуратлар бирга қўлланганда парацетамолни антипиретик самарасини сусайтиради. Микросомал ферментларнинг индукторлари, гепатотоксик препаратлари ва изониазид парацетамолнинг жигарга токсик таъсирини оширади. Бирга қўлланганда препарат диуретикларнинг самарасини пасайтиради. Этил спирти сақловчи дори воситалари билан, шунинг алкоголик ичимликлар билан бир вақтда

препаратни қўллаш мумкин эмас. Кофеин бирга қўлланганда альфа- ва бета-адреномиметикларнинг, ксантин ва марказий нерв тизимини рағбатлантирувчи дори препаратларининг самарасини оширади. Циметидин, перорал контрацептивлар ва изониазид бир вақтда қўлланганда кофеиннинг самарасини ошиши кузатилади. Кофеин бирга қўлланганда марказий нерв тизимини кучайтирувчи дори препаратларнинг самрадорлигини пасайтиради. Кофеин қонда литийнинг миқдорини оширади, тиреотроп препаратларнинг терапевтик таъсирини кучайтиради ва эрготаминни меъда-ичак йўлларида сўрилишини яхшилайди.

Махсус кўрсатмалар

Юқори дозалар узоқ вақт қўллаган холда қон манзарасини назорат қилиш керак. Препаратни қабул қилиш вақтида хаддан зиёд кўп чой ва кофе қабул қилиш мумкин эмас, чунки бу қўзғалувчанлик, уйқусизлик, тахикардия, юрак аритмиясига олиб келиши мумкин.

Жигар токсиклигидан сақланиш учун парацетамолни алкоголли ичимликлар билан билан қабул қилиш мумкин эмас, шунингдек у сурункали алкоголь истеъмол қилишга мойиллиги бўлган одамларга тавсия этилмайи.

Атопик астма, пичан иситмаси бўлган пациентларда аллергик реакцияларининг ривожланишини юқори хавфи бор.

Спортчиларнинг допинг-назорати натижаларини ўзгартириши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация

Препаратни ҳомиладорлик даврида фақат хаётий кўрсатмалар бўйича қўллаш мумкин.

Препаратни лактация даврида қўллашнинг зарурати бўлганда, эмизишни вақтинча тўхтатиш масаласини хал қилиш керак.

Хайдаш ва механизмларни бошқариш ва қобилиятига таъсири

НЯҚВ ни қабул қилгандан кейин бош айланиши, уйқучанлик, чарчоқлик ва кўришни бузилиши каби ножўя самаралар кузатилиши мумкин. Шунинг учун ушбу препарат билан даволанаётган пациентлар автомобильни бошқариш ва техника билан ишлашлари мумкин эмас.

Дозани ошириб юборилиши

Препаратнинг дозаси ошириб юборилганда, препаратнинг нефротоксик ва гепатотоксик таъсири, шунингдек қон яратиш тизими томонидан (анемия, тромбоцитопения, панцитопения, лейкопения, нейтропения, агранулоцитоз) ва марказий нер тизими томонидан (юқори таъсирчанлик, бош айланиши, уйқуни бузилиши ва тетиклик тартибини, тремор) бузилиши ривожланиши мумкин. Бундан ташқари, тахиаритмия, тиришиш, тери қопламаларини оқариши, қусиш, гепатонекроза, глюкоза метаболизмини бузилиши ва метаболик ацидоз бузилишлари ривожланиши мумкин. Доза ошириб юборилганда меъдани ювиш, энтеросорбентларни қабул қилиш ва симптоматик даволаш ўтказиш кўрсатилган.

Дозани ошириб юборилишини оғир холларида N-ацетилцистеин вена ичига юбориш ва метионинни перорал (агар пациентда қусиш бўлмаса) қабул қилиш кўрсатилган. Тиришилар ривожланган холда диазепам қўлланади.

Чиқарилиш шакли

10 таблеткадан контур уяли ўрамда, 10 контур уяли ўрам тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутида.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
4 йил.
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Рецептсиз.

Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган:
Avison Pharmaceutical Pvt. Ltd., India
Coral Laboratories Limited
Plot № . 27-28, Pharmacity, Selaqui,
Dehradun, Uttarakhand – 248197, India

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили
"SHAYANA FARM" МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш. 700057, Уста Ширин кўчаси 117-уй,
Тел.: 99(871) 2281692(93/94)
Факс: 99 (871) 2281695